

Ўзбекистонда исломий банклар очилади



16:59 / 26.11.2025 1575

Аҳоли кутилмалари қанчалик реалликка яқин?

Ўзбекистонда исломий молия тўғрисидаги узоқ кутилган қонун парламент қўйи палатаси томонидан қабул қилинди. Бу муҳим қадам мамлакат молия тизимида янги саҳифа очиб, мавжуд анъанавий банклар ва бўлажак молия институтларига исломий банк хизматларини таклиф этиш имкониятини яратади. Kip.uz мухбири қонуннинг моҳияти юзасидан Ислом молияси бўйича мутахассис Искандар Турсунов билан суҳбатлашди.

Ш.Шарипов: Узоқ кутилган қонун лойиҳаси қўйи палатанинг тасдиғидан ўтди. Нима содир бўлди? Бу қонуннинг моҳияти нимада?

И.Турсунов: Бу Ўзбекистонда исломий банк фаолиятини юритиш учун ҳуқуқий асос. Яъни бу ҳуқуқий асоснинг яратилиши Ўзбекистонда мавжуд

бўлган анъанавий банкларга ёки келгусида пайдо бўладиган банкларга исломий банк хизматларини кўрсатиш учун имконият.

Ш.Шарипов: Биринчи қадам, демак, ташланди?

И.Турсунов: Биринчи қадам ташланди. Ҳозир шу қонун лойиҳаси агар Сенат томонидан кўриб чиқилиб, маъқулланса, кейин давлатимиз раҳбари, президентимиз томонидан тасдиқлангандан сўнг кучга киради. Табиийки, қонун кучга киргандан кейин қонуности ҳужжатлар бор ҳали. Улар Марказий банк томонидан тайёрланади.

Ш.Шарипов: Соҳа янги. Энди банклар бунга тайёрма ҳозир, ўзгаришларга?

И.Турсунов: Ўзбекистонда ислом молияси амалиёти микромолия ташкилотлари ҳамда жисмоний шахслар ўртасида, бошқа баъзи ташкилотлар ўртасида анчадан бери мавжуд. Яъни ислом молиясидан хабардорлик даражаси аста-секин ортиб бормоқда. Шу билан биргаликда, молиявий институтларда ҳам бунга тайёргарлик босқичлари бошланган. Сўнгги йилларда ўзларининг мавжуд кадрларини ислом молияси йўналишида ўқитиш, уларнинг малакасини ошириш, керак бўлса, ислом молияси ривожланган давлатларга уларни олиб бориб, тажрибасини ошириш ишлари амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, исломий банклар эртага ислом молияси тамойилига мувофиқ ишлаши учун уларда Шариат кенгашлари мавжуд бўлиши керак. Ислом молияси кенгашида ислом молияси ҳуқуқини яхши биладиган, тажрибали, нуфузли олимлар бўлиши керак.

Ш.Шарипов: Банклар учун бу ихтиёрий-а?

И.Турсунов: Ҳозирги қонун лойиҳасига кўра, Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган банклар, агар хоҳласа, исломий банк хизматини кўрсатмоқчи бўлса, Марказий банк томонидан ҳозирда тайёрланган қонун лойиҳасида кўрсатилган шартлар асосида ҳужжатлар тақдим этиб, ислом молияси операциялари, хизматини кўрсатиш учун лицензия олиши мумкин. Бу лицензияни анъанавий банклар ўз анъанавий фаолиятини кўрсатиб турган ҳолда қўшимча исломий банк хизматини кўрсатиш учун ҳам алоҳида лицензия олиши мумкин ёки тубдан тўлиқ исломий банк фаолиятини кўрсатиш учун ҳам лицензия олиши мумкин. Яъни бу ерда исломий банк фаолиятини кўрсатиш учун лицензия берилади.

Ш.Шарипов: Демак, банк буткул шаклини ўзгартириб, исломийга айланиб олиши ҳам мумкин, шунақа демоқчимисиз?

И.Турсунов: Ҳа.

Ш.Шарипов: Биз сиз билан сал олдин бир [мақола чиқардик](#), ўтлаб кетмаслик учун қанақа инструментлар бор деб. Биз ўша ерда бу саволга жавоб беряпмиз: Шариат кенгашлари. Мақолани ҳамма ҳам ўқимаган бўлиши мумкин, шу ерда яна тўхталишимиз керак бўлади. Шариат кенгаши, бу Марказий банкнинг қошида бўлади, тўғрими?

И.Турсунов: Тўғри. Умуман, исломий банк маҳсулотларининг анъанавий банк маҳсулотларидан асосий, тубдан фарқ қиладиган нарсаси бу ўша молиявий маҳсулотларнинг ислом молияси тамойилларига мувофиқлиги. Агар шу мувофиқлик тамойили бузиладиган бўлса, бу демак, ислом молияси қоидаларига, ҳуқуқига зид бўлган хизматларга сабаб бўлади. Бу эса исломий банкларга хос бўлмаган ҳолат. Энди буни ким назорат қилади? Табиийки, бу жаҳон амалиётида ҳам бор. Бу амалиётдан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳам қонун лойиҳасида буни ҳисобга олган. Табиийки, бу нарса Марказий шариат кенгаши номи билан эмас, балки Марказий банк Исломий молия кенгаши номи билан номланган. Қанақа номланиши фарқ ўйнамайди, асосийси ишнинг қандай ташкил қилинишида.

Ш.Шарипов: Кенгашда ким аъзо бўлади?

И.Турсунов: Қонун лойиҳасида кўрсатилгандек, Марказий исломий молия кенгашида камида бешта ислом молияси ва ислом ҳуқуқи бўйича олий маълумотга эга бўлган, нуфузли, тажрибали шариат олимлари аъзо бўлади.

Ш.Шарипов: Фуқаролиги аҳамиятлими?

И.Турсунов: Дейлик, бешта олим бўладиган бўлса, унинг учтаси маҳаллий олимлар бўлиши мумкин, иккитаси хориждан жалб қилинган экспертлар бўлиши мумкин. Ёки бешта маҳаллий олимларнинг ўзи бўлиб, қўшимча яна Марказий банк томонидан иккита, учта хорижлик эксперт жалб қилиниши мумкин. Чунки Ўзбекистонда исломий банкчилик тажрибаси мавжуд эмас. Шу боис ташқаридан халқаро экспертларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада Марказий банк нуфузли халқаро ташкилотлар билан келишувлар олиб бормоқда.

Ш.Шарипов: Кенгаш доимий фаолият юритадими?

И.Турсунов: Кенгаш доимий фаолият юритади, аммо Марказий банкда доимий ишчи ёки таркиб бўлиб турмайди. Улар ўзининг асосий ишлари, машғулотлари билан машғул бўлади. Марказий банкнинг ичида бўладиган Марказий кенгашнинг ишчи гуруҳи бўлади. Бу ишчи гуруҳ Шариат кенгаши аъзоларининг маълум бир муддатда учрашишини таъминлайди. Масалан, икки ойда бир марта, кварталда бир марта, ишнинг ҳажмидан келиб чиққан ҳолда.

Ш.Шарипов: Шартнома асосида.

И.Турсунов: Ҳа, шартнома асосида жалб қилинади улар. Ишчи гуруҳ Шариат кенгаши кўриб чиқиши керак бўлган маҳсулотлар, ишларни, жараёнларни тайёрлайди – Шариат кенгаши аъзолари йиғиладиган кунга бу ҳужжатларни тайёрлаб қўйишади. Шариат кенгаши аъзолари келиб, йиғилишда ўтирганда, кун тартибида бўлган барча масалалар кўриб чиқилади, ўзларининг хулосаларини беради, тасдиқлайдиган жойлари бўлса, тасдиқлашади ёки тўғрилашлар керак бўладиган бўлса, тавсиялар берилади ёки тўхтатилиши керак бўладиган жараёнлар бўлса, ўзларининг фикрларини билдиришади. Яъни Марказий шариат кенгашининг асосий вазифаси бутун тармоқ, республикадаги исломий молиянинг, ислом молияси ҳуқуқи асосида, шариатга асосан мувофиқлашишини назорат қиладиган бир марказ.

Ш.Шарипов: Тушуниб турибмиз, вазият ҳар хил бўлиши мумкин, қайсидир банкда қандайдир қоида ўзгариб қолиши мумкин. Шуларнинг назоратини олиб бориб, ҳаммасини унификация қилади, шунақами?

И.Турсунов: Ҳа, шундай. Қонун лойиҳасида кўзда тутилган яна бир нарса, ҳар бир исломий банк фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлиб, лицензия олган банкларда камида учтадан ислом молияси кенгаши аъзолари бўлади. Бу ислом молияси кенгаши аъзолари ҳам ислом ҳуқуқи ва ислом молиясида маълумотга эга, тажрибага эга мутахассислар бўлади. Одатда улар ўша исломий банк кўрсатмоқчи бўлган товарлар ва хизматларга оид бўлган жараёнларни олдин ўзлари кўриб чиқишади, тасдиқлашади ва умумий келишув учун буни марказий кенгашга, Марказий банкка юборишади.

Ш.Шарипов: Демак, банкларнинг ўзининг ҳам Шариат кенгашлари бўлади?

И.Турсунов: Шундай.

Ш.Шарипов: Ҳозирги кунда банкларга нима тавсия берган бўлардингиз, биринчи қадамларни ташлаш учун?

И.Турсунов: Биринчи бўлиб маслаҳат берадиган нарсамиз, тижорат банклари эртага исломий банк хизматларини кўрсатмоқчи бўлса, кадрларини ўқитишни доимий равишда кучайтириб бориши керак. Ундан ташқари, исломий банк очиш бўйича талаб ва йўриқномалар бор, халқаро ёки ички. Қонун лойиҳасида ҳам қонун кучга киргандан кейин исломий молия, исломий банк фаолиятини юритиш учун лицензия олишда қандай талаблар бўлиши кўрсатиб ўтилган. Мана шу талабларни бажара оладиган шартлардан бошлаш керак. Чунки бу жараён вақт талаб қиладиган жараён, тезда бўладиган масала эмас. Бу ерда кадрлар тайёрлаш бор, банкнинг ички операцияларини тартибга солиш бор. Исломий банк фаолиятини йўлга қўйиш репутацион рискларни юзага келтиради.

Исломий банк лицензиясини олиб, фаолият юритмоқчи бўлган банк хизматларини кўрсатаётганда шариатга мувофиқлигини таъминлаш учун уларда алоҳида бухгалтерия ҳисоби юритилиши керак, Шариат кенгаши ҳар бир операцияни кузатиб боради, шариат аудити томонидан доимий равишда назорат олиб борилади ва бу операцияларнинг барчаси Марказий банк томонидан белгилаб берилган қатъий интизом асосида юритилади. Бу барчаси вақт оладиган жараён бўлгани учун ҳозирдан банклар бу ишларни бошлаши керак ва бунга жиддий эътибор бериши керак. Ҳам маҳаллий, ҳам хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда ишни тўғри ташкил қилиш керак.

Ш.Шарипов: Яъни Марказий банк жавобгар-да, а, тўғрими? Амал қилинган ишларни исломий молия тамойилларига ё йўқми, шунақами?

И.Турсунов: Регулятор сифатида Марказий банкнинг бу соҳага жавобгарлиги катта, чунки бу ерда репутацион риск бор. Бу тизимнинг барқарор ва доимий, узлуксиз ишлаб кетиши учун ҳар бир банк ислом молияси ҳуқуқи асосларига қатъий амал қилган ҳолда ишини юритиши керак бўлади. Бирор жойда кимдир ўзининг шахсий манфаатларидан келиб чиқиб қасддан шариатга мувофиқ жараёнларни бузадиган бўлса, бу нафақат ўша банкка таъсир қилади, балки жамиятдаги исломий молия хизматлари, исломий банк тизими, молиявий сектор учун хавф туғдиради. Шунинг учун Марказий банк бунга жуда жиддий қарайди.

Ш.Шарипов: Демак, истеъмомлчи ўйланиб қолмаслиги керак, анъанавий банкда очилган исломий дарчага бораими ёки тўлақонли исломий банкка бораими, қоидалар бир хил.

И.Турсунов: Ҳеч қанақа шубҳа бўлиши керак эмас. Хоҳ у тўлиқ 100 фоизлик исломий банк бўлсин, хоҳ у анъанавий банк, қаттиқ назоратда фаолият юритади.

Ш.Шарипов: Яъни униси ҳам, буниси ҳам шу Марказий банкнинг назорати остида?

И.Турсунов: Униси ҳам, буниси ҳам бир хил операцияни бажаради.

Ш.Шарипов: Параллел равишда фаолият юритади.

И.Турсунов: Худди шунақа. Алоҳида ҳисобрақамлар, алоҳида пул оқимлари. Ислом молиясига ажратилган ресурслар алоҳида сақланади. Яъни бу ерда ҳеч қанақа шубҳа бўлмаслиги керакки, анъанавий банкда исломий банк дарчаси ёки исломий банк хизматлари кўрсатилаётган экан, булар аралашиб кетади ёки бошқа деган юзаки қарашлар бўлиши керак эмас. Агарда банк шариатга мувофиқ бўлмаган, ислом молияси ҳуқуқига мувофиқ бўлмаган бирор бир амалиётни бажариб қўядиган бўлса, бу унга жуда қимматга тушади. Марказий банк уни катта жаримага тортади ёки бўлмаса жазолайди, керак бўлса лицензиясини олиб қўяди. Малайзияда агарда бирор бир банк қасддан аҳолининг қадрияти ва ишончидан фойдаланган ҳолда фойда топиш мақсадида ислом молияси ҳуқуқига тўғри келмайдиган операцияни амалга оширадиган бўлса, унга саккиз йилгача қамоқ жазоси ёки беш миллион доллар миқдорида жарима ёки ҳар иккаласи қўлланади. Бу жуда жиддий масала ва у ҳазиллашадиган нарса эмас.

Ш.Шарипов: Ижтимоий тармоқларда турли фикрлар янграпти. Баъзисига муносабат билдириш мажбуриятидамиз, деб ҳисоблайман. Фикрларнинг ичида шунақа бир фикр айтилдики, “Шундоқ ҳам ўзи коррупциялашган бу тизим – молиявий тизимимизга яна исломий молия ҳам кириб келса, баттар бўлади”. Нима деб жавоб берсак бўлади?

И.Турсунов: Амалиётда ўзини кўрсатган яхши бир молиявий тизимга нисбатан, унинг қанақа ишлашини билмай туриб, салбий баҳо бериш керак эмас. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бунинг тагида катта репутацион риск ётибди. Яна ҳам бўлганда, бу Ислом молияси. Банкнинг ўзида шариат кенгаши бор. Уларнинг асосий қиладиган вазифаси мана шу кунлик

операцияларни кузатиб, назорат қилиб бориш.

Тўғри, ҳар бир ишда ўзига яраша камчиликлар бўлиши табиий, ҳамма рисоладагидек ишлай олмайди. Лекин асосий кутилаётган нарса шуки, Ислом молияси тўғри йўлга қўйиладиган бўлса, жамият учун, халқ учун, давлат учун манфаатли бўлади.

Ш.Шарипов: Фаразан, ишлар ўша муносабатдагидек бўлса, жудаям бир коррупциялашган муҳитга Ислом молияси келса, менимча, бу ҳолатда ҳам бу соғломлаштиришга хизмат қилади. Чунки бу қанақадир хаотик бир нарса эмас – Ислом молияси. Структуралашган, тажрибадан ўтган ва иерархияси бор, яъни назорат иерархияси.

И.Турсунов: Анъанавий молиявий тизим – битта молиявий тизим. Энди унинг ёнига алтернатив, муқобил бўлган иккинчи молиявий тизим келса, ўртада нима пайдо бўлади? Рақобат.

Рақобат эса хизматлар сифати яхшиланишига сабаб бўлади, нархлар арзонлашишига сабаб бўлади. Битта анъанавий молиявий тизим билан чекланганимиз яхшими ёки ёнига исломий молия кириб келгани яхшими? Бунинг салбийдан кўра ижобий факторлари кўпроқ: бозорда ўйинчилар кўпаяди, ресурслар арзонлашади.

Эртага Ислом молияси ўзида мавжуд бўлган ресурсларни бозорга сафарбар қилгандан кейин ресурслар таннархи арзонлашиши эвазига хизмат нархлари тушади. Ҳозир устамалар, ўша “ҳозир ол, кейин тўла”нинг устамаси 40%, 45%, керак бўлса 70% гача бўлиб турган бир пайтда исломий банклар ўзининг ресурси билан бозорга кирса бу устамалар пасаяди.

Ш.Шарипов: Энг катта яхшиликлардан бири – иқтисодиёт ҳажми кенгаяди. Ўзбекистон ичидаги пулни сақлаб ўтирган одамлар пулни сарфлай бошлайди, банкдан айлантира бошлайди. Бошқа томондан чет элдан инвестиция кириб келади ва умумий натижа сифатида иқтисодиёт ҳажми йириклашади.

И.Турсунов: Ҳозир молиявий тизимнинг унчалик яхши ривожланмаганлиги учун аҳоли қўлида турган бўш пул маблағларини кўпроқ кўчмас мулкка, уй-жой сотиб олишга ёки машина сотиб олишга сафарбар қиляпти, Шокир ака. Агар оддийроқ қилиб гапирадиган бўлсак, бу нимага сабаб бўляпти? Уй-жойлар нархи ортиб кетишига, машина нархлари кўтарилишига.

Агар эртага Ўзбекистонда молиявий бозор ривожланса, капитал бозори ривожланса, аҳоли табиийки, ўзининг пулини фақат кўчмас мулкка ёки машинага сафарбар қилмайди. Улар янада манфаатли бўлган бизнес лойиҳаларига, Ислом молиясига мувофиқ ишлайдиган бизнесларга, акцияларга, бошқаларга сафарбар қилгандан кейин, табиийки, бозордаги уйларнинг нархи тушади, автомашиналар нархи тушади. Ҳамда бошқа молиявий бозорлар ривожланишига йўл очади. Бунинг ижобий натижаларини кўп нарсаларда кўрсатишимиз мумкин, агар бу тизим тўғри йўлга қўйилса.

Ш.Шарипов: Биринчи хорижий инвестициялар кириб келишини қачон кутсак бўлади, исломий молия тарафидан?

И.Турсунов: Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларни четдан кузатиб туришибди. Улар Ўзбекистонда талаб борлигини, бозор борлигини, ислом молиясига чанқоқ бўлган аҳоли ва инвесторлар борлигини билишади. Улар айна пайтда ҳам баъзи бир Ўзбекистондаги мавжуд бўлган анъанавий банклар билан келишувларни олиб боришмоқда.

Ш.Шарипов: Чунки гап реал даромад ҳақида кетяпти!

И.Турсунов: Албатта. Қонун кучга кирса, кейин келамиз деган ёндашув билан ишламайди бизнес. Улар ҳозир банклар, инвесторлар билан ҳамкорликни бошлашган. Улар қонун чиққандан кейин ишга тушиб кетадиган жараёнларни тайёрлаш арафасида. Ўйлайманки, қонун кучга кириб, қонуности низомлари тайёр бўлиши билан 2026 йилда Ўзбекистонга хорижий инвестициялар кириб келишини катта кўрсаткичларда кузатишимиз мумкин бўлади.

Ш.Шарипов: Сиз интервью олдидан тушунтириш ишлари етарли бўлмаяпти деб айтдингиз. Одамлар қанчалик яхши тушунса, шунча яхши. Ўша тушунмасликдан ҳам кўп ҳар хил ножўя ишлар бўлади-да.

И.Турсунов: Ўзи шундоқ ҳам Ўзбекистонда молиявий саводхонлик яхши шаклланмаган. Энди бунга исломий молия қўшилгандан кейин у яна ҳам ортди. Ислом молияси ҳақида аҳоли тўғри тасаввурга эга бўлиши керак. Исломий банкларга лицензия асосида савдо қилиш, шерикчиликка қўшилиш учун рухсат бериляпти. Савдонинг асл моҳияти нима? Сиз ниманидир олдин ўзингиз сотиб оласиз, устига ўзингизнинг фойдангиз, устамангизни қўясиз, кейин кимгадир сотасиз.

Банклар бунда нима қилади? Масалан, банклар олдин эҳтиёжингизга керак бўлган нарсани аввал ўзи сотиб олади, эгалик қилади. Ундан кейин сизга, сизда ҳозир етарли маблағ бўлмагани учун, устига ўзининг фойдасини қўйиб, бўлиб тўлашга сотади. Бу Ислом молиясига мувофиқ келадиган савдо.

Баъзи кишиларда “исломий банк очилса, менга фоизсиз қарз берар экан, фоизсиз ресурс берар экан, фоизсиз молиялаштирар экан” деган тушунчалар бор. Лекин исломий банкда турган маблағлар бу аҳолининг пул маблағлари, депозитга олиб келган аҳоли маблағлари ёки акциядорларнинг пуллари. Уларнинг бу қўйган пулидан мақсад нима? Фойда олиш.

Ш.Шарипов: Хайрия қилиш эмас.

И.Турсунов: Албатта. Бу фойда қайси усул билан олинапти? Ислом молияси хизматларини кўрсатиш билан. Фақатгина бу ерда Ислом молияси тамойилларига мувофиқ иш юритилади. Лекин ўша тижорат, ўша устама ёки бўлмаса фойда кўриш масалалари ўзгармасдан қолади.

Ш.Шарипов: Фойда кўришни ҳеч ким бекор қилмаган.

И.Турсунов: Албатта.

Шокир Шарипов тайёрлади